

**Рустам Закирович Райимжанов,**

**Ўзбекистон Миллий университети**

*Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.н.*

**Эрназаров Шукрулла Эшбой ўғли,**

**Ўзбекистон Миллий университети**

*Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси ўқитувчисию*

## **МИНТАҚАЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА**

### **ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ РОЛИ**

**Аннотация.** Уибу мақолада инфратузилма тушунчасининг мазмун-моҳияти, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга келтиришида инфраструктура омилиниң ўрни ва аҳамияти каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** инфратузилма, ҳудуд, жойлаштириши, тартибга келтириши, саноат парки, қолоқ район, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши.

### **THE ROLE OF INFRASTRUCTURE IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE REGION**

**Abstract.** This article covers such issues as the essence of the concept of infrastructure, the role and significance of the infrastructure factor in the state regulation of socio-economic development of regions.

**Key words:** infrastructure, territory, location, regulation, industrial park, backward region, socio-economic development.

Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга келтиришнинг назарий асослари Европанинг ривожланган давлатлари ва АҚШнинг етук иқтисодчи, иқтисодий географ ва ҳудудий иқтисодчи олимлари томонидан яратилган ва амалиётда катта муваффақиятлар билан синовдан ўтган. Бу назариялар қаторида инфратузилма, ўсиш қутблари, марказий жойлар, урбанизация, агломерация, район, ривожланиш районлари, янгиликлар диффузияси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Жойлаштириш назариялари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалариға ғарбнинг етук

олимларидан У.Изард, Э.Гувер, Р.Будвил, А.Вебер, Ф.Перру, А.Лёш, В.Кристаллер каби бир қатор олимлар пойdevор қўйишган.

Олимларнинг худудий изланишларида инфратузилма доимо дикқат марказида бўлиб келган. Чунки инфратузилма – саноат ва қишлоқ хўжалигининг жойлашиши ҳамда ривожланиши, шунингдек ахолининг кундалик ҳаёти учун хизмат қиласидиган ва шароит ҳозирлайдиган хўжалик тармоқлари мажмуси сифатида намоён бўлади. Булар транспорт, алоқа, автомобил йўллари, каналлар, қўприклар, денгиз ва дарё портлари, аэропортлар қурилиши, энергетика хўжалиги, сув таъминоти, умумий ва касбий таълим, фан, хизмат соҳаси, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва бошқалардир. Шундай экан худуд ижтимоий-иктисодий ривожланиши кўп жиҳатдан инфратузилма омилига боғлиқ эканлиги шубҳасизdir.

Минтақавий сиёsat мақсадларининг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг мураккаблиги капитал маблағ оқимларининг географик тақсимланишини таъминлай олишга қодир бўлган етарли даражада қувватли воситаларни излашга мажбур этмоқда. Азалий иқтисодий назарий қарашлар бўйича давлат харажатлари даставвал корхоналарнинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи “ташқи” таъсирларнинг яратилиши билан боғланади. Бу таъсирлар ишлаб чиқариш шароитларининг ўзгариши ҳисобига бозордаги умумий ҳолатга таъсир этган ҳолда “ташқи” иқтисодиёт ҳарактерини ҳам эгаллаши мумкин. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг “ташқи” шароитларини тартибга келтириш давлатнинг асосий иқтисодий функцияси сифатида қаралмоқда. Чет эл назариётчилари давлат худудий сиёsatининг асосий функцияси деб илғор районлар иқтисодиёти шароитлари ҳисобига иқтисодиётни мувофиқлаштириш ва қолоқ районлар иқтисодиётига давлат маблағларини йўналтириш орқали “ташқи” таъсир ҳаракатининг баъзи бир шароитларини таъминлашни тушунадилар. Ҳозирги худудий назариётчилар бу вазифаларнинг бажарилишини мамлакат турли хил районлари инфратузилмасининг ривожланишида кўришмоқда.

“Инфратузилма” термини дастлаб 1920-1928 йилларда ҳарбий терминалогияда ёрдамчи хизмат ва тизимлар мажмуаси тариқасида вужудга келган. Иқтисодий адабиётга 1955-йилда америкалик олим П. Розенштейн-Родан томонидан киритилган. У инфратузилмага иқтисодиётнинг асосий тармоқларида хусусий тадбиркорликнинг қулай ривожланишини таъминловчи ва аҳолининг талабларини қондирувчи умумий шароитлар комплекси сифатида қаради. Кейинчалик инфратузилма терминалогик жиҳатдан бир қатор ўзгаришларга учради. Жумладан, айрим адабиётларда инфратузилма “иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган қурилмалар, иншоотлар, муассасалар” сифатида намоён бўлса, бошқаларида инфратузилма таркибига ишлаб чиқариш техник томонларини таъминловчи тармоқларнинг иншоат ва объектлари, аҳолининг нормал ҳаёт кечириши ва районга ишчи қучларини жалб қилишга имконият туғдирувчи ва маданий-маишӣ шароитлар яратувчи иншоатлар, корхоналар ва муассасалар киритилади.

Кўпчиллик олимларнинг фикрича инфратузилма – табиий мухитда тўпланган, инсонни ўраб олган жамиятнинг моддийлашган меҳнати бўлиб, аникроғи бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг моддий-техник негизини ташкил қилувчи инженер-техник иншоотлар ва объектлар, бинолар, тизим ва хизматлар мажмуасидир.

Инфратузилманинг ўзига хос эътиборли хусусияти шундан иборатки, бу унинг тез ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигидир. Ривожланган инфратузилма ишлаб чиқариш шароитлари ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгаришларига бир зумда жавоб қайтариш ва янги талабларга мослашиш хусусиятига эга бўлади. Унинг яна бир эътиборли томони у хўжалик худудий тузилмасининг “рағбатлантирувчиси” ёки “барқарорлаштирувчиси” бўлиш хусусиятига эгалигидир. Одатда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жараёни фақатгина инфратузилманинг маълум бир минимал даражасига эга

бўлган ҳолдагина амалга оширилади. Унинг таркиб топиши хўжалик фаолиятидан илгари юз беради ва унинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма умумэътироф этилган қоидага биноан учта жуда муҳим бўлган хусусиятларга эгадир. Биринчидан, уни ташкил қилувчи барча тармоқлар маҳсулот яратмайди, инфратузилмани ташкил этишга кетган харажатлар фақатгина, унинг натижасида таркиб топган ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулот бера бошлагандан сўнг қопланиши мумкин; иккинчидан, маълум район олдиндан қайта қурилган бўлмаса замонавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши мумкин эмас; учинчидан инфратузилманинг ривожланиш даражаси ҳудуднинг ҳар томонлама иқтисодий ривожланишини аниқлаб беради.

Ҳудуднинг инфратузилмали жиҳозланиши кўп жиҳатда қутбий ривожланиш ёки ўсиш қутблари назарияси билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўсиш қутби ҳудудий тузилманинг шундай элементики, бу ерда инфратузилмани яратиш тамойили ҳақиқатда талабнинг ўсиши билан бир мунча яққол мужассамланган бўлади. Жаҳон мамлакатларининг ҳудудларни инфратузилмали жиҳозлаш сиёсатида саноат зоналари ёки саноат паркларини кенг қўламда қуришга эътибор берилмоқда. Саноат парки зарур бўлган инфратузилма элементлари (сув ва электр таъминоти, транспорт, ишлаб чиқариш бинолари) билан жиҳозланадиган ва тадбиркорларга ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш учун сотиладиган ёки ижарага бериладиган маҳсус ер майдонлари дидир. Ҳар бир бундай парк 10 тадан 100 тагача бўлган корхоналарга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Саноат парклари даставвал йирик шаҳарларда саноатни ҳудудий ташкил этишнинг ажralмас элементи бўлиб қолди ва кейинчалик уларнинг қурилиши кўпчилик давлатларда қурилиш бизнесининг асосий турига айланди. Хусусий саноат парклари юқори даражада ривожланган районларда ва йирик шаҳар атрофларида қурила бошлади. Чунки бундай жойларда бир қатор қулайликлар мавжуд эди. Вақт ўтиши билан саноат паркларини қуриш

тажрибаси давлат маҳаллий ҳокимият органларининг эътиборини алоҳида марказлар ва суст ривожланган районларнинг саноатини ривожлантиришнинг қулай ва енгил усули сифатида ўзига тортди. Саноат парклари ҳудудий сиёсатнинг турли хил шаклларида фойдаланиладиган усуллар таркибидан жой олди.

Шундай қилиб, инфратузилма элементлари моддий неъматлар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмасада, лекин ишлаб чиқариш жарайонини таъминлашда жуда муҳим рол ўйнайди. Инфратузилма тармоқлари ўртасида тўғри мутоносибликларни белгилаш ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тартибга келтиришда, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланишда, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кўтаришда жуда катта аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Государственное регулирование размещения производительных сил в капиталистических и развивающихся стран. Москва, “Мысль” 1980г. - 424стр.
2. Ларина Н.И., Кисельков А.А. Региональная политика в странах рыночной экономики. Москва, “Экономика”, 1998г., -172стр.
3. Социально-экономическое развитие территорий в условиях нового экономического механизма. Сборник статей. Москва, ЦЕМИ, 1989г., -215 стр.
4. Управление экономикой региона в новых условиях хозяйствования. Сборник научных трудов. Новосибирск, 1991г., -148стр.